AUDIT APTEKA

(1.0.5 версияли) “AUDIT APTEKA” виртуал касса дастурий таъминотидан фойдаланиш бўйича

# ҚЎЛЛАНМА

# М У Н Ж А Р И Ж А

Кириш.................................................................................... 3

Техник талаблар.................................................................. 4

**Администратор** 5

Регистрация..................................................................... 5

Дастур созламалари ва параметрлари.............................. 9

Юридик шахс................................................................ 9

Ҳисоб сиёсати............................................................. 10

Тизимга оид созламалар............................................. 12

Асосий ойна...................................................................... 16

Фойдаланувчилар.............................................................. 16

Омбор................................................................................ 20

Қолдиқни киритиш..................................................... 20

Товарлар кирими........................................................ 22

Янги товар яратиш..................................................... 24

МХИК кодларни товарга бириктириш......................... 26

Кассир яратиш............................................................ 29

**Кассир хуқуқи асосида фойдаланувчи** 26

Савдо ойнасини ишга тушириш ......................................... 31

# КИРИШ

“AUDIT APTEKA” дастурий таъминоти - Фарғона вилояти, Фарғона шахри, К. Ниёзий кўчаси 47 уйда фаолият юритувчи (юридик манзил - Фарғона вилояти, Қувасой шахри, Қўчқорчи МФЙ, Оқ йўл кўчаси 34 уй) “AUD-IT SOFT” МЧЖ томонидан дори воситаларини чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекларининг савдо, хизмат кўрсатиш фаолиятини юритишини таъминлаш мақсадида тақдим этиладиган дастурий маҳсулот.

“AUDIT APTEKA” дастурий таъминоти – бу фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи ва ҳосил қилинган фискал ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи, чекларни қоғозга чоп этиш ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган дастурий маҳсулот.

“AUDIT APTEKA” дастурий таъминоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

# ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

“AUDIT APTEKA” (1.0.5 версия) дастурий маҳсулот ўрнатиладиган қурилма, энг камида қуйидаги техник талабларга жавоб бериши лозим:

Windows 7,8,10

Windows 7,8,10 ва ундан юқори версияда операцион тизим;



Intel Core i3 процессор
DDR3 4 гигабайтли RAM хотир;
256 Gb SSD доимий хотира



Штрих сканер



80 миллиметр ўлчамли чек чоп қилувчи термопринтер



Фискал модул



1 мбит/сек. дан кам бўлмаган интернет тармоғи

*юқорида келтирилган қурилма ва операцион тизимлар минимал талаблар асосида келтирилган.

## Администратор хуқуқи билан фойдаланувчи

## РЕГИСТРАЦИЯ

Дастур биринчи марта ишга туширилганда экранда қуйидаги ойна очилади (1-расм).




1-расм

Тақдим этилган оммавий оферта шартларига розилик билдириш учун **“Я согласен с этими условиями”** шарти танланади ва **“Далее”** тунмаси босилади. Шундан сўнг навбатдаги ойна очилади (2-расм). Бу ерда сиз, дастур муаллифи томонидан тақдим этилган логин ва паролни киритиш орқали дастурдан тўлиқ фойдаланиш имконига эга бўласиз.




2-расм

**ЭСЛАТМА:** Дастур биринчи марта ишга туширилаётганда интернет тармоғига уланган бўлиши шарт.

Логин ва паролни тўғри киринтганингиздан сўнг дастур серверлан сизнинг ташкилотингизга оид малумотларни шакиллантиради (3-расм). Мавжуд маълумотларни тўғри эканлигини текшириб яна **“Далее”** тугмасини босилади.




3-расм

Ушбу формада сиз фойдаланишингиз мумкин бўлган қурилмалар (компьютерлар) сони ва дастур имкониятларидан фойдаланишингиз мумкин бўлган таъриф акс этади.

Барча амаллар мувафақиятли бажарилганидан сўнги сизга тизимда мувофақиятли рўйхатдан ўтганингиз тўғрисида хабар хабар берилади (4-расм).




4-расм

**“Далее”** тугмасини босганингиздан сўнг сизга дастурдан фойдаланиш учун аосий созлама ва параметрларни кўрсатиб ўтишингиз учун “Настройка и параметры” ойнаси очилади (5-расм). Сиз ушбу ойнадан ҳисоб сиёсати ва тизимга оид созламаларни киритишингиз мумкин.

# ДАСТУР СОЗЛАМАЛАРИ ВА ПАРАМЕТРЛАРИ

## ЮРИДИК ШАХС




5-расм

Ушбу бўлимда ташкилотингизга оид маълумотлар автоматик равишда тўлдирилади. Филиал ва омборни танлаш мажбурий.

## ҲИСОБ СИЁСАТИ

Ҳисоб сиёсатини белгилаш учун “Учетная политика” бўлимига ўтиб, у ерда товарлар ва сертификатлар файл (расм)лари сақланадиган папка манзиллари кўрсатилади. Жадвал қисмида эса дастурда олиб бориладиган ҳисоб-китобларга оид созламалар киритилади.

Демак асосий ҳисоб сиёсатини ўрнатиш учун “Добавить” тугмасини босамиз (6-расм).




6-расм

Очилган ойнада ҳисоб сиёсати ўрнатилган сана, харидорлар учун бериладиган чегирма карталарини ҳисоб-китоб тартиби ва чегирма ставкаси созланади. Ундан сўнг эса муддати

яқинлашган ва муддати ўтган дориларни огохлантириш учун олдиндан тақдим этиладиган ойлар киритилади (7-расм).




7-расм

**ЭСЛАТМА:**

Кешбек бўлмида **“скидка”** тугмаси босилса, имтиёз карталарга оммавий равишда белгиланган ставка бўйича чегирма қўлланилади, агар **“накопителный”** тугмаси босилса хар бир карта учун белгиланган ставкада имтиёз суммаси йиғиб борилади.

Ҳисоб сиёсати созламасини якунлаш учун **“Записать и закрыть”** тугмаси босилади. Асосий ойнада ҳисоб сиёсати

жорий қилинган давр билан қатор пайдо бўлади. Агар янгича ҳисоблаш тартиби жорий этилса яна **“Добавить”** тугмасини янгитдан босиш орқали янги давр учун ҳисоб сиёсати киритилади (8-расм).




8-расм

## ТИЗИМГА ОИД СОЗЛАМАЛАР

**“Систесные настройки”** бўлимида қуйидаги параметрларни киритиш билан тизимга оид созламаларни киритамиз (9-расм):

1. Экран кенглиги операцион тизимнинг экран кенглиги созламаси билан бир хил бўлиши шарт.

2. Хар бир фойдаланувчи ўзи учун қулай ўзбек ёки рус тилларини танлаши мумкин.
3. Фискал модул (USB переходник), дастур ишлаётган компьютерда ўрнатилган бўлса “**Адрес сервера**” **каторига 127.0.0.1 IP манзил киритилади**
4. **“Порт” каторига 3448** манзиллар киритилади.




9-расм

5. Фискал модул компонентлари компьютерга ўрнатилган бўлса бизга танлаш имконияти берилади. Агар компьютерга компонентлар ўрнатилмаган бўлса у холда дастур биздан ўрнатиш учун рухсат сўрайди (10-расм). Биз компьютерга фиркал модулни ўрнатиш учун рухсат берсак дастур

автоматик равишда **FiscalDriveAPI version 8.36-Win7** компонентлари автоматик равишда ўрнатилади ва дастур сизга фискал модул муваффақиятли ўрнатилгани тўғрисида хабар беради.




10-расм

**ЭСЛАТМА:** Фискал модул компонентларини ўрнатиш учун дастур администратор хуқуқи асосида ишга туширилган бўлши шарт.




Фискал модул компонентлари ўрнатилгандан сўнг сиз **“Фискал модул”** қаторида токен танлашимиз мумкин (11-расм).




11-расм

Дастур созламалари тўлиқ киритилгандан сўнг **“Записать и закрыть”** тугмаси босилади.

## АСОСИЙ ОЙНА

Дастлабки созламалар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг дастур фойдаланишга тайёр холатда ишга тушади. Энди биз дастурга керакли маълумотларни киритиб ва уларни қайта ишлашимиз мумкин. Бунинг учун асосий ойнада керакли бўлимлар ва уларга тегишли бўлган амалларни бажариш учун тугмалар жойлаштирилган (12-расм).




12-расм

1. Асосий меню
2. Амаллар панели
3. Асосий кўрсаткичлар ва тугмалар мажмуаси
4. Ҳисоботлар панели

## ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР

Аввало биз дастурдан фойдаланувчилар учун мухит яратиб оламиз. Бунинг учун амаллар панелидан **“Пользователи”** босиш натижасида фойдаланувчилар ойнасига ўтамиз. Янги фойдаланувчи яратиш учун **“Создать”** тугмаси босилади (13-расм).




13-расм

Янги фойдаланувчини параметрларини қуйидаги тарбирда тўлдириш тавсия этилади (14-расм).




14-расм

1. Фойдаланувчига ном берилади. Масалан “Администратор”.
2. Платформа танланади. Одатда Администратор 1С платформасида ишлайди.

3. Дастурга киришда парол ўрнатилади (мажбурий эмас).
4. “Отображение а списке” ёқилади. (ёқиб қўйиш тавсия этилади).
5. Администратор роли танланади.
6. **“Сохранить”** тугмасини босиб янги фойдаланувчи яратилади.

Биз юқорида бошқарувчи учун “Администратор” фойдаланувчини яратиб олдик. Энди эса чакана савдо амалга ошириш учун “Касса” фойдаланувчисини яратиб олиб тавсия этилади (15-расм).




15-расм

Барча фойдаланувчилар яратилгандан сўнг, дастурни қайта ишга тушириш натижасида улардан фойдаланиш имкониятига эга бўламиз (16-расм).




16-расм

# ОМБОР

## Қолдиқни киритиш

Юқоридаги амаллар бажарилгандан сўнг биз омбордаги қолдиқ товарларни дастурга киритиб олишимиз керак. БУнинг учун бош менюдан **“Склад”** менюсига кириб **“Ввод остатка товаров”**, ёки амаллар панелидан **“Ввод остатка товаров”**, буйруқларини ишга тушиш орқали омборда мавжуд товарлар киритилади (17-расм).




17-расм

Омбор қолдиғини киритиш учун хужжат санаси киритилиб кирим қилинадиган омбор танланади. Сўнг жадвал қисмига янги қатор қўшилиб товар штрих-коди киритилади. Агар товар штрих-коди базада аниқланса дастур автоматик равишда товарни параметрларини сўрайди. Қолдиқ товарни киритишда товарнинг ўрамдаги миқдоридан келиб-чиқиб дастур автоматик равидшда унга ўлчов бирлигни белгилайди. Сиз қолдиқ товарни сотиш нархини тўғридан тўғри киритсангиз дастур автоматик равишда савдо нархидан 15% устамани айриб таннарх шакиллантиради. (18-расм)




18-расм

Агар штрих-код орқали товар топилмаса у холда товарни базадан номи билан топилади. Бунинг учун **“Номенклатура”** қатори активлаштирилиш F4 тугмаси босилиши натижасида товарлар рўйхати ойнаси очилари. **“Поиск”** қаторига керакли товар номини киритиб товар топилади ва **“Выбор”** (Enter) тугмаси босилади (19-расм).




19-расм

Барча товарлар киритилгандан сўнг **“Провести и закрыть”** тугмасини босиб хужжат ёпилади. Натижада омбор қолдиғи шакилланади, энди эса савдони бошлаш мумкин.

**ЭСЛАТМА:** Агар товарлар шрих код ва номи орқали охтарганда топилмаса у холда янги товар яратиш талаб этилади. Бунинг учун қўлланманинг “**Янги товар яратиш”** бўлимини тўлиқ ўқиб чиқинг.

## Товарлар кирими

Таъминотчилардан келган товарларни кирим қилиш учун, “**Склад**” менюсига кириб **“Поступление товаров”**, ёки амаллар панелидан **“Поступление товаров”**, буйруқларини ишга тушиш орқали кирим хужжатларига кирилади (20-расм).




20-расм

Келтирилган товарларни дастурга кирим қилиш учун хужжат санаси киритилиб кирим қилинадиган омбор танланади. Сўнг жадвал қисмига янги қатор қўшилиб товар штрих-коди

киритилади. Агар товар штрих-коди базада аниқланса дастур автоматик равишда товарни параметрларини сўрайди. Бошланғич қолдиқни киритишдан фарқли равишда бу ерда товарни ўрамдаги миқдорини кирим хужжатидан келиб чиқиб танлаймиз (21-расм).




21-расм

**ЭСЛАТМА:**

Товарни савдо нархини бедгилашда унга қўлланиладиган устама суммасини фоиз ставкаси ёки тўғридан-тўғри сумма шаклида хам киритиш мумкин. Савдо жараёнида ноқулайлик туғдирмаслик учун савдо нархи тўғридан – тўғри яхлитланган суммада киритиш тавсия этилади.

Барча товарлар киритилгандан сўнг **“Провести и закрыть”** тугмасини босиб хужжат ёпилади (22-расм).




22-расм

## Янги товар яратиш

Юқорида кўрсатиб ўтилган амалларни бажарилиши натижасида маълумотлар базасидан бизга керакли бўлган товар топилмаса, яги товар яратиш талаб этилади.

Янги товар яратиш учун аосий ойнанинг юқори менюсидан ёки чап томондаги **“Справочники”** бўлимидан **“Номенклатуры”** тугмалари босилади (23-расм).




23-расм

Натижада **“Номенклатура”** ойнаси очилади (21-расм). Ушбу ойнанинг чап томонининг юқори қисмидаги **“Создать”** тугмаси босилиши натижасида **“Создание новая номенклатура”** ойнаси очилади (24-расм).




24-расм




25-расм

Яратилаётган янги товарга оид барча маълумотлар тўлдирилади, жумладан МХИК коди “МХИК кодларни товарга бириктириш” бўлимида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

## МХИК кодларни товарга бириктириш

Янги яратилган, ёки мавжуд бўлган товарга хос бўлган МХИК кодни бириктиришнинг бир қанча усуллари мавжуд;

1. Агар биз яратаётган товарнинг МХИК коди бизга маълум бўлса у холда **“Единица измерение”** бўлимининг **“ИКПУ”** қаторига мавжуд МХИК код киритилади ва **“Загрузить”** тугмаси босилади (26-расм). Натижада товарга оид Штрих код, ҚҚС имтиёзи, ўлчов бирликлари автоматик равишда базада сақланади ва шакилланади.




26-расм

2. Агар яратилаётган товарнинг Штрих коди мавжуд бўлса **“Единица измерение”** бўлимининг **“Штрих код”** жадвалига янги штрих код яратилади. Натижада товарга оид МХИК код, ҚҚС имтиёзи, ўлчов бирликлари автоматик равишда базада сақланади ва шакилланади (27-расм).




27-расм

3. Агар яратилаётган товарга оид штрих ва МХИК кодлари бўлмаса у холда **“Единица измерение”** бўлимида мавжуд **“Загрузить”** тугмаси босилади. Натижада товар номи ёки унга оид бошқа параметрлар билар МХИК кодни топиш ойнаси очилади (28-расм). Мавжуд ойнага товарнинг қисқача номини киритиб **“Поиск”** тугмаси босилиши натижасида tasnif.soliq.uz ягона миллий электрон каталогда мавжуд бўлган ушбу номга оид барча товарлар чиқади. МХИК кодни топишда янада аниқлик киритиш учун қўшимча қаторга товарга оид бошқа параметр (ишлаб чиқарувчи номи, қадоқ ўлчами ва х.к) номини киритиш мумкин. Керакли қаторни танлаб **“Enter”** тугмаси ёки сичқончанинг ўнг тугмаси икки марта босилиши натижасида товарга оид МХИК ва Штрих код, ҚҚС имтиёзи, ўлчов бирликлари автоматик равишда базада сақланади ва шакилланади.


ИКПУ (создание)

Солодково | Поиск

50

| Группа | ИКПУ | Наименование | Торговая марка | Атрибут |
|---|---|---|---|---|
| ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТИ | 03004999107008003 | Қизилмия илдизи | Солодкового корня сироп (AVISENNA) | Сироп 50мл флаконлар |
| ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТИ | 03004553030002002 | Қизилмия илдизи - R05CA | СОЛОДКОВОГО КОРНЯ СИРОП (Aktash) | Сироп 50г флаконлар |
| ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТИ | 03004553030001002 | Қизилмия илдизи - R05CA | СОЛОДКОВОГО КОРНЯ СИРОП (Novo Pharm) | Сироп 50 мл флаконлар |
| ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТИ | 03004553030009003 | Қизилмия илдизи - R05CA | СОЛОДКОВОГО КОРНЯ СИРОП (Ziyo Nur Farm) | Сироп 50мл флаконлар |
| ФАРМАЦЕВТИКА МАҲСУЛОТИ | 03004553026001004 | Қизилмия илдизлари - R05CA | СОЛОДКОВОГО КОРНЯ СИРОП (Ferghana Invicta Ph... | Сироп 50мл флаконлар |

28-расм

**ЭСЛАТМА:** Агар савдо жараёнида товарнинг МХИК коди мавжуд бўлмаса дастур автоматик равишда анашу товарни сотмайди. Яъни савдо жараёни тўхтатилади. Шунинг учун хар бир яратилаётган товарга унга хос бўлган МХИК код бириктириш жуда мухим ахамиятга эга.

## Кассир яратиш

Савдо жараёнида қатнашадиган ходимларни биз **“Зарплата и кадры”** менюсидан, ёки амаллар панелидан **“Сотрудники”** тугмасини бошсиш орқали янги ходим яратамиз (29-расм).




29-расм

Янги ходимни яратишда унинг исми, фамилияси ва отасининг исми тўлиқ киритишни тавсиф этамиз. **“Загрузить картинку”** тугмасини босиш орқали ходимнинг расмини хам юклаб қўйиш тавсия этилади. Савдо ойнасига кириш учун ходимда парол ўрнатилиши ва **“Действующий”** тугмаси активлаштирилиши шарт (30-расм).

**ЭСЛАТМА:** Касса ойнасига киришда ходимлар фақат парол билан кириши мумкин. Шу билан бирга **“Действующий”** тугмаси автивлаштирилган бўлиши шарт.




30-расм

# КАССИР ХУҚУҚИ АСОСИДА ФОЙДАЛАНУВЧИ

## Савдо ойнасини ишга тушириш

Биз юқорида **“Касса”** фойдалувчиларини яратдик. Дастурда савдо жараёнини асосан **“Касса”** фойдаланувчиси амалга оширади. Бунинг учун биз дастурни ишга туширган вақтингизда **“Пользователь”** га **“Касса”** фойдаланувчини танлайсиз, парол мавжуд бўлса паролни киритасиз ва **“Войти”** тугмасини босиш орқали давтуришга туширилади (31-расм).




31-расм

**ЭСЛАТМА:** Ушбу қўлланманиниг 13-сахифасида фойдаланувчилар-ни яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида яна бир бор танишиб олишингиз мумкин.

Савдо ойнасига кириш учун хар бир фойдаланувчи ўзига тегишли бўлган парол киритиш орқали барча тугмаларни фаоллашади. парол терилгандан сўнг, **“Продажа”** тугмасини босиш орқали савдо ойнасига ўтилади (32-расм).




32-расм

Савдо ойнаси асосан 6 қисмга бўлинган ва улар қўйидагича тавсифланади (33-расм):

1. Шитрих-Код киритиладиган қатор
2. Омборда мавжуд товарлар рўйхати
3. Танланган товар қолдиғи, партияси ва ярокли муддати хақида қисқача маълумот.
4. Савдога чиқарилган товарлар рўйхати.
5. Тўлов тури ва уни амалга ошириш тугмалари.
6. Функционал тугмалар




33-расм

Штрих сканер орқали товарни шрих-кодини ўқитганимизда омборда мавжуд товар бизга тақдим этилади. Очилган ойнадан бизга товарнинг омбор қолдиғи, ўрамдаги миқдори ва сотиш нархи тақдим этилади. Керакли миқдорни дона ёки пачкада киритганимиздан сўнг савдо нархи қатори фаоллашади. Яъни биз сотиш вақтида нархни ўзимиз келишган тартибда ўзгартириб сотишимиз мумкин бўлади. Барча керакли маълумотлар киритилгандан сўнг **“ОК”** тугмасини босиш наижасида биз товарни савдога чиқарамиз (34-расм).




34-расм

Савдо жараёнини якунлаш учун накд ёки пластик карта турларига қараб тўлов танланади ва савдо чеки чиқариш тасдиқланади (35-расм).




35-расм

Агар тўлов турлари хам накд, хам пластик карта ёки бошқа тўлов тизимлари орқали бўладиган бўлса у ҳолда юқоридаги жами сумма устига сичқонча тугмаси босилади ва тўлов ойнасига тўлиқ ўтилади. Натижада бир вақтнинг ўзида турли хил тўлов турлари ва тизимлари орқали тўловларни қабул қилиш имкониятига эга бўламиз (36-расм). Жами сумманинг маълум бир қисми накд, қолган қисми эса пластик карта ёки бошқа электрон тўлов тизимлари орқали қабул қилиб олингандан сўнг савдо чеки тури танланади танланади.




36-расм

Шу тариқа савдо жараёни якунланади

[redacted]

| | |
|---|---|
| STIR | [redacted] |
| Sana | 29.04.2024 8:26:33 |
| Chek raqami | 409 |
| Kassir | ДИЛДОРА |

**SOTUV CHEK**

**1. УРОЛЕСАН капсулы N40**

| | |
|---|---|
| 1 X 84 000 | = 84 000 |
| O'lchov birligi: | 4 блистер ( 10 дона (капсула) |
| MXIK | 03004285038001001 |
| QQS: 12% | 9000,00 |

| | |
|---|---|
| **Jami:** | **84 000,00** |
| shundan QQS: | 9 000,00 |
| Chegirma: | 0 |
| **To'lov:** | **84 000,00** |
| Naqd: | 14 000,00 |
| Naqdsiz: | 70 000,00 |

| | |
|---|---|
| Virtual kassa S/N: | AA000001003 |
| FM raqami: | UZ210317262479 |
| Fiskal belgi: | 141573618507 |

**SOTILGAN DORILAR QAYTIB OLINMAYDI VA ALISHTIRILMAYDI**

XARIDINGIZ UCHUN RAXMAT!!!